O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 2 июль, шанба • № 53 (11.752) • Эркин нархда сотилади

## «Истеъдод» ташаббуси билан

**Пойтахтимизда хорижий мамлакатларда таълим олган ёш мутахассисларнинг III илмий-амалий конференцияси бошланди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур анжуман икки кун давом этади. Унда хорижда таълим олган ёш мутахассислар, олим ва педагоглар иштирок этмоқдалар.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, олий ва ўрта махсус таълим вазири, «Истеъдод» жамғармаси бошқаруви раиси Рустам Қосимов мамлакатимизда замон талабларига мос малакали кадрлар тайёрлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан эканини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан иқтидорли ёшларимизнинг ривожланган давлатлардаги нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олаётгани ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилаётир.

Хорижда таълим олиб келган ёшлар ҳозир иқтисодиёт, банк, молия, транспорт, қурилиш сингари етакчи соҳаларда – турли вазирлик ва идораларда, олий таълим даргоҳларида самарали фаолият кўрсатаётир. Анжуман давлат ва жамият бошқаруви тизими, иқтисодиёт соҳасидаги олимлар ва раҳбар ходимларни, юртимизнинг илмий жамоатчилигини бундай ёш мутахассисларнинг салоҳияти ва илмий изланишлари билан кенгроқ таништириш имконини беради. Шу билан бирга, уларни қўллаб-қувватлаш, юртимиз таълим жараёнига янада кўпроқ жалб қилиш, илмий ишланмаларини амалиётга татбиқ этиш кўзда тутилган.

Анжуман қатнашчиларининг илмий-ижодий маърузалари табиий фанлар, иқтисодиёт, банк иши, молия ва валюта муносабатлари, ижтимоий-гуманитар фанлар, техника ва технологиялар каби йўналишлардаги секциялар йиғилишларида атрофлича муҳокама этилади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Мўл ҳосилга замин яратилмоқда



**Мутахассисларнинг таъкидлашларига қараганда, бу йил Бўка тумани далаларида ғўзанинг ривожи чакки эмас. Айрим хўжаликларда эса ҳосил тўпланиши жараёни аввалги йилларга нисбатан 8-10 кун жадал бораяпти.**

Бу бежиз эмас, албатта. Ўтган йилги муваффақиятдан руҳланган бўкалик пахтакорлар бу йил ҳар бир майдонда кўчатнинг бут бўлиши ва дуркун ривожланиши учун қатор ораларини юмшатиш ва сувга қондириш, айниқса, ўғитга тўйдиришга жиддий эътибор қаратмоқдалар. Шу билан бирга ғўза зараркунандаларига қарши кўпроқ биологик усулда кураш олиб борилмоқда.

Айни кунларда туман далаларида 270 дан зиёд культиватор ёрдамида қатор ораларига сифатли ишлов берилмоқда. 700 дан зиёд тажрибали сувчилар ғўзани сувга қондирмоқдалар.

Агротехник тадбирлар, айниқса, Ғаффор Азаматов номли ширкат хўжалигида оби-тобида ўтказилмоқда. Шу боис аксарият майдонлардаги ҳар туп ғўзада 12 тагача шох санаш мумкин. Кўпгина майдонлардаги ғўзада 7-8 та гул, 2 тагача кўсак бор. Айрим илғор пудратчиларнинг айтишларига қараганда бу йил ғўза чеканкасини 10 июлдан танлаб бошлаш имконияти бор. Мўлжал эса ушбу муҳим тадбирни 25 июлгача якунлаш.

***СУРАТЛАРДА:*** *(юқорида ўнгдан) Ғ. Азаматов номли ширкат хўжалиги бош иқтисодчиси Саидқосим Амиров пудратчи Обид Абдумўминовга навбатдаги вазифалар юзасидан маслаҳат бермоқда; «Роват» ширкат хўжалиги бош ҳосилоти Баҳодир Эшонқулов (чапдан ўнгга) бош пудратчи Анвар Алматов, сувчи Аҳмадали Сотиболдиев навбатдаги сувга тайёрланган картани кўздан кечиришмоқда.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**



*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг белгиланган тартибда тураржой билан таъминланмаган ҳарбий хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида:**

1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг контракт бўйича хизмат қилаётган, амалдаги сарф-харажатлар (коммунал хизматлар ҳақи бундан мустасно) доирасида тураржой билан таъминланмаган оддий аскар, сержант ва офицер таркиблари ҳарбий хизматчиларига тураржойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун:

Тошкент шаҳрида — энг кам иш ҳақининг тўрт бараваригача миқдорда;

Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида — энг кам иш ҳақининг уч бараваригача миқдорда;

Ўзбекистон Республикасининг бошқа шаҳарлари, туманлар марказлари ва аҳоли пунктларида — энг кам иш ҳақининг икки бараваригача миқдорда ҳар ойлик пул компенсацияси тўловлари белгилансин.

Оила аъзолари уч киши ва ундан ортиқ бўлган тақдирда ҳарбий хизматчиларнинг ушбу пул компенсацияси миқдорлари 50 фоизга оширилади.

2. Белгилансинки, Қуролли Кучларнинг ҳарбий хизматчиларига ҳар ойлик пул компенсацияси тўловларининг ушбу нормалари жорий этилиши билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати бюджетининг ҳар йили тасдиқланадиган параметрлари доирасида амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев):

бир ҳафта муддатда Молия вазирлиги (С. Раҳимов), Мудофаа вазирлиги (Қ. Ғуломов), Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р. Иноятов) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига тураржойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартибини белгиласин;

уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини тураржой билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун киритсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг котиби Р.Мирзаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2005 йил 30 июнь.

*Қарор ва ижро*

## Сармоя киритиш эвазига бепул

**вилоятимизда корхона ва объектларни инвесторларга сармоя киритиш мажбурияти эвазига бепул бериш давом этмоқда**

Бу ихтисослашган кўчма механизациялашган жамлама бир вақтлар Паркент туманида катта ҳажмдаги қурилиш ишларини олиб борарди. Жамоанинг меҳнати сингган иншоотлар, уй-жой ва маданий-маиший муассасалар ҳамон паркентликлар ва атрофдаги қишлоқ фуқароларига хизмат қилмоқда. Бироқ, бозор иқтисодиётига ўтиш даври талабларини олдиндан ҳисобга олмаган, янги шароитларда ишлашга етарли ҳозирлик кўрмаган жамоанинг иши йил сайин орқага кетаверди. Ниҳоят жамлама банкрот бўлиш даражасига тушиб қолди. Шундай ҳолатда унинг номнишонсиз йўқ бўлиб кетишига йўл қўймаслик учун барча имкониятларни ишга солиб, сақлаб қолиш керак эди. Бунинг бирдан бир ва энг қулай усули ташкилотни хусусийлаштириш эди.

(Давоми 2-бетда).

*Ғалла – 2005*

## Бекободлик ғаллакорлар муваффақияти

**Бекобод – вилоятнинг энг йирик ғаллакор туманларидан бири. Ялпи дон етиштириш бўйича Бўка туманидан сўнг иккинчи ўринда туради. Масалан, бу йилги мавсумда 13890 гектар суғориладиган майдонда ғалла етиштирилди.**

Беистисно барча хўжаликларда аввало туман шароитига мос буғдой навлари танлаб олинганлиги, қолаверса, парвариш ишлари аниқ агротехника асосида оқилона ташкил этилганлиги туфайли ҳосил мўл ва эртаки бўлди. Бинобарин ўримга ҳам вилоятда биринчилар қатори тушилди.

Туманда ғалла ўримига тайёргарлик кўриш, мавсумни уюшқоқлик билан бошлаб, қисқа вақтда якунлаш борасида катта тажриба орттирилган. Ўрим-йиғимга жалб этилган техника воситаларини юксак унум билан ишлатиш, оператор ва ёрдамчи ишчилар учун зарур шарт-шароитларни мукаммал яратиб бериш, энг муҳими эса, уларни моддий рағбатлантиришнинг бекободликларга хос анъаналари мавжуд.

(Давоми 3-бетда).

*Изчил ислоҳотлар йўлида*

# ҲАР БИРИМИЗ ЎЗ БУРЧИМИЗНИ БАЖАРСАК...

**Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва баб-баробар муҳофаза этилишини кафолатлайди.**

Сўнгги йилларда Конституциянинг мазкур нормасини таъминлаш борасида республикада хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларнинг фаолият олиб боришлари эркинлиги ва кафолатларини тартибга солувчи эътиборга лойиқ ҳуқуқий тизим шакллантирилди, бу борада бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил 27 январдаги қўшма мажлисида Юртбошимиз иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида мамлакат олдида турган дастурий вазифаларни баён этиб, уни амалга оширишнинг устувор йўналишлари, яъни бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш ва бошқа муҳим вазифаларни белгилаб бердилар. Шунингдек, давлатимиз раҳбари тадбиркорлик, бизнес ва хусусий сектор вакилларига нисбатан муносабатни тубдан ўзгартиришни, тадбиркорлар фаолиятига нохолис, тирноқ остидан кир қидириш кайфияти билан қарашдан бутунлай воз кечишни, уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъминлашни, мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган бу тоифа вакилларига улар ўзи, ўз оиласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қилишига ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш кераклигини алоҳида таъкидладилар. Халқаро андозаларга мос бу қоидалар истиқлолимизнинг дастлабки йилларида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ва изчиллик билан амалга оширилаётган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг беш тамойилидан келиб чиқиб қабул қилинганлигини алоҳида таъкидламоқ лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июнда «Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 20 июнда «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ва 15 июнь куни «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»-ги қарорларида жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатимизни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги қатъий чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Ушбу қарор ва фармонлар мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва бозор муносабатлари ривожланишини чуқурлаштириш борасидаги давлат сиёсатининг узвий давомидир.

Мамлакатимизнинг жадаллик билан ривожланаётган иқтисодиёти, тадбиркорликни жаҳон андозаларига мос равишда ривожлантириш қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан алоҳида ўрин тутмоқда. Таъкидлаш жоизки, ушбу Фармон тадбиркорлик субъектлари ва давлат назорати органлари ўртасида юзага келган муаммоларни бартараф этиш ва тадбиркорларнинг фаолият эркинлигини янада кенгайтиришни тартибга солувчи бир қатор янги ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олган. Жумладан, 2005 йил 1 июлдан бошлаб янги тартиб жорий этилиб, бунга кўра тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг фақат суд орқали қўлланилиши белгиланди. Бу чоралар фаолиятни тугатиш, фаолиятни тўхтатиб қўйиш, банклардаги ҳисоб-варақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, молиявий санкцияларни қўллаш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензиялари (рухсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш кабиларни ўз ичига олади.

Фармонда тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан, текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда эса — Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Фармонга кўра, назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларида ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгар, ҳатто, жиноий жавобгар ҳам бўладилар.

Қонунчилигимизда назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг масъулиятини ошириш борасида етарли таъсирчан чоралар мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241-1-моддасида қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш деганда тадбиркорлик фаолияти субъектини рўйхатдан ўтказишни ғайриқонуний рад этиш ёки уни рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаш, муайян фаолиятни амалга ошириш учун махсус рухсатнома (лицензия) беришни ғайриқонуний рад этиш ёки уни беришдан бўйин товлаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишнинг белгиланган тартибини бузиш, тадбиркорлик фаолияти субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаш, шунингдек, унинг мустақиллигини бошқача тарзда чеклаш ёки фаолиятига бошқача тарздаги ғайриқонуний аралашиш тушунилади.

Агар мансабдор шахслар томонидан қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш оғир оқибатларга ёки тадбиркорлик субъектига кўп ёки жуда кўп миқдорда зарар етказилишига олиб келса, бунда мансабдор шахслар Жиноят кодексида назарда тутилган 205-модда (ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш), 206-модда (ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш), 209-модда (мансаб сохтакорлиги) ва бошқа жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 14-1-моддасидаги хўжалик юритувчи субъектларда муқобил текширишлар ўтказиш тартибига янги ўзгаришлар киритилди. Хусусан, муқобил текширишларни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилди. Шунингдек, Фармон талабига кўра фақат қўзғатилган жиноят иши юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки шундай текширувларни ўтказиш тўғрисида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарори мавжуд бўлгандагина қонунда кўзда тутилган ҳолларда тадбиркорлик субъектининг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатларини муқобил тарзда текширишга йўл қўйилади. Буни солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда бошқа назорат органларининг ходимлари ҳеч қачон унутмасликлари лозим.

Фармонда давлат назорати органлари ва мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари олдидаги мулкий жавобгарлигини ошириш масалалари аниқ белгилаб берилди. Амалдаги қонунчилик нормаларини ривожлантириб, Фармон билан давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки шу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг ўрни суд қарори асосида тўла ҳажмда бевосита ана шу давлат органлари томонидан, биринчи навбатда уларнинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобига қопланиши белгиланган. Шунингдек, зарарларнинг ўрнини қоплаш суд қарори билан ана шу етказилган зарар учун айбдор бўлган давлат органларининг мансабдор шахсларига ҳам юкланади.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги хўжалик низолари хўжалик суди ёки ҳакамлар суди томонидан кўриб чиқилиши белгиланмоқда. Тегишли давлат органларига «Ҳакамлик суди тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиш топширилди. Бунда тадбиркорлик субъектлари ҳамда бирлашмаларининг ўзлари томонидан ҳакамлар суди ташкил этилиши назарда тутилмоқда.

Энди жамиятимизда бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларига мос келадиган, тадбиркорларга мададкор янги тузилма «Ҳакамлар суди» пайдо бўлади. Тадбиркорларни ўзаро шартномавий муносабатларидан келиб чиқадиган муайян низоларни ўзлари томонидан тузиладиган, вазиятдан хабардор ҳакамлар суди орқали ҳал қилинади. Бу, бир томондан, суд ҳокимиятига катта ёрдам, иккинчи томондан, тадбиркорларнинг ўзаро дуч келган низоларини ҳал этишнинг муқобил механизми яратилади, деганидир.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига кўра ҳакамлар судининг қарорлари мажбурий ижро қилинадиган ҳужжатлар туркумига киради. Ҳакамлар судлари асло давлат судларига қарама-қарши механизм эмас. Улар юзага келган низоли ҳолатларни, шу жумладан, тадбиркорлик низоларини ҳал қилишнинг янги усуллари ҳисобланади.

Ҳакамлар судининг эътиборли томонларидан яна бири ҳакамлик муҳокамасининг осон кечиши, бюрократик тўсиқларнинг йўқлиги, ҳар бир низога алоҳида ёндошилиши, низолашувчи тарафларнинг ҳамкорлиги ва ўзаро бир-бирини тушунишларидан иборатдир. Шубҳасиз, ҳакамлар суди институтининг киритилиши фуқаролар ва тадбиркорлик тизимлари ўртасида кенг кўламда ярашув тадбирларини қўллаган ҳолда, юзага келган низоларни тезкорлик билан ҳал қилишда ўзининг самарасини беради.

Умуман олганда «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарор ҳамда «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги Фармон қабул қилиниши билан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳимояси янада мустаҳкамланди.

Бу қарор ва фармонлар билан прокуратура органларига иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва бюрократик тўсиқларнинг барча турдаги кўринишларидан ҳимоя қилиш вазифалари юклатилган.

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТ ҲАЁТИ

## Прокуратурада ҳайъат мажлиси

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.**

Бош прокурор Р. Қодиров бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримовнинг тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясига йўналтирилган қарор ва фармонлари ижросини тўлиқ таъминлаш ва бу соҳадаги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини янада кучайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Унда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишида прокуратура органлари ҳаракатини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш мақсадида доимий ишчи гуруҳи тузилди, бу соҳадаги қонунлар ижроси сўзсиз бажарилиши устидан назоратни таъминлашга қаратилган асосий тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

## Фонд биржасида йиғилишди

**«Тошкент» республика фонд биржасида банк тармоғини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Семинарда тижорат банклари мутахассислари муқобил савдо майдончалари ва қимматли қоғозлар бозорида электрон савдо тизимларини ривожлантириш, банкларнинг капиталлашуви, эмиссия ҳисобига активларни кўпайтириш ҳамда берилган кредитлар ва бошқа активлар таъминоти учун тижорат банклари томонидан қарз қимматли қоғозлари чиқарилиши бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларини муҳокама қилди.

## Уч кунлик семинар

**«Сен ёлғиз эмассан» республика болалар жамғармаси ташаббуси билан меҳрибонлик уйлари раҳбарлари учун уч кунлик семинар ташкил этилди.**

Мазкур тадбир Республика Халқ таълими вазирлиги, Таълим маркази, ЮНИСЕФ болалар жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилди.

Семинарда мамлакатимизда фаолият юритаётган 28 та меҳрибонлик уйларининг раҳбарлари иштирок этди.

Унда меҳрибонлик уйларидаги ютуқ ва камчиликлар муҳокама қилинди. Шунингдек, бу ерда тарбияланаётган болалар учун керакли шарт-шароитлар яратилмоғи лозимлиги таъкидланди.

## Махсус бўлимлар очилди

**Шу кунларда республикамизнинг барча олий таълим муассасаларида янги 2005-2006 ўқув йили учун қабул жараёни бошлаб юборилди.**

Мамлакатимиз Президентининг «Олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорига кўра, бу йил жами 51 минг 175 нафар абитуриент магистрлар тайёрлаш бўйича, умумий қабул квотаси 6200 қилиб белгиланган.

Жумладан, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети бу йилги қабул жараёнида Қарши, Термиз, Нукус Давлат университетлари қошида қабул учун махсус бўлимлар очди. Мазкур бўлимларда ҳам ҳужжатлар қабул қилиниб, тест синовлари ўтказилади.

*Қарор ва ижро*

# Сармоя киритиш эвазига бепул

Шундай ҳам қилинди. Мутасадди идораларнинг қарори билан уни хусусий мулкдорлар ихтиёрига инвестиция киритиш шарти билан топширишга келишилди. Бунинг учун қатор шундай объектлар билан бирга очиқ савдога қўйилди. Унинг инвестиция қиймати 100 миллион сўм қилиб белгиланди. Очиқ савдода бир қанча талабгорлар қатнашиб, уни ихтиёрларига олиш учун ўзаро рақобатлашдилар. Натижада инвестиция нархи тўхтовсиз ошиб борди. У биринчи белгиланган қийматига нисбатан олти баробар кўп — 600 миллион сўм инвестиция киритиш ва йўналишнинг сақлаб қолинишига ваколат берган тадбиркорга насиб этди. Деярли барча тендер савдосига қўйилган объектлар бўйича ҳам шундай бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 209-сонли қарорига асосан вилоятда жами бўлиб 18 та корхона ва иншоотлар инвестиция мажбурияти эвазига тадбиркорларга бепул берилиши белгиланган эди. Бу режа бугунги кунгача тўла бажарилди, яъни ҳамма объектлар хусусий эгалари қўлига ўтди ва албатта, улар иншоотларнинг фаолият

(Давоми. Боши 1-бетда).

йўналишини сақлаб қолиш ёки рухсат бўлса профилини ўзгартириш, фойдалироқ, кўпроқ нафи тегадиган тармоқлар корхоналарига айлантириш мажбуриятини олдилар.

Биринчи танлов савдоси ўтган йилнинг 28 июнида, иккинчиси 12 октябрда, учинчиси эса 2005 йилнинг 17 январида бўлиб ўтди. Бу объектлар жами 643,3 миллион сўм инвестиция киритиш шарти билан савдога қўйилган эди. Амалда кутилганидан икки баробардан ортиқ инвестициялар киритиш шарти билан сармоядорларга бепул берилди. Ҳаммаси бўлиб 1 миллиард 355,9 миллион сўм сармоя киритиладиган бўлди. Энг муҳими инвесторлар зиммасига олган мажбуриятларини бажариб, ваъдаларининг устидан чиқмоқдалар. Улар шу йилнинг апрелигача 573,34 миллион сўмлик сармоя киритишлари керак эди, буни амалда деярли уддалаб қўйдилар.

Ўтган йили ўн битта давлат объектлари сотилган бўлса, бу йил уларнинг қолган еттитаси ҳам ўз эгаларини топди. Чунончи, Паркент туманидаги ихтисослашган кўчма механизациялаш жамламаси акциядорлик жамияти активларининг 89,9 фоизи, Чиноз туманидаги «Чинол» акциядорлик жамиятининг 25 фоиз, «Қибрай» киновидеоси акциядорлик жамиятининг 75 фоиз, «Пскент киновидеоси» акциядорлик жамиятининг 71 фоиз активлари бепул берилди. Олмалиқ соғлиқни сақлаш бўлимининг биноси, Оҳангарон туманидаги «Наврўз» болалар соғломлаштириш оромгоҳи, Юқоричирчиқ туманидаги «Ийкота» оромгоҳи кундузги стационари билан, Паркент туманидаги «Булбулча» болалар боғчаси биноси ҳам келишилган шартлар бўйича сармоядорлар ихтиёрига топширилди.

Объектларни инвестиция киритиш шарти билан бепул бериш бўйича ташкил этилган тендер савдоси тадбиркорларда тобора катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу йилги босқичда савдога қўйилган еттита иншоот талабгорлари кутилганидан ҳам кўп бўлди. Йигирма нафарга яқин тадбиркор тахминан 7-8 та объект бўйича ўзаро беллашди. У ёки бу иншоотга инвестиция киритиш учун улар томонидан берилган аризалар ва таклифлар тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилди. Энг кўп инвестиция киритиш ва зиммага юклатиладиган вазифаларни тўла бажариш, бунинг учун кенг қамровли бизнес-режани тузиб, уни амалга ошириш учун зарур чора-тадбирларни ишлаб чиққан тадбиркорлар ғолиб бўлдилар. Бўка туманидаги «Қалдирғоч», Зангиота туманидаги «Қуёшча» ва «Ғунча» болалар боғчалари, Ўртачирчиқ туманидаги силга қарши касалхона собиқ биноларидан бири, Янгийўл туманидаги юқумли касалликлар шифохонасининг собиқ биноси, Оҳангарон шаҳридаги болалар сут ошхонаси, хуллас, очиқ савдога қўйилган барча иншоотлар сотилди.

Давлат мулки қўмитасининг вилоят бошқармаси инвестициялар киритиш шарти билан бепул берилган корхоналар акциялари, улушлари, объектларни бутунлай олди-сотдиси бўйича тузилган шартномалар бўйича инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши учун мониторингни мунтазам олиб бормоқда. Биринчи босқичда сотилган учта корхона ва объект бўйича сармоядорлар ўзларининг инвестиция мажбуриятларини тўла бажаришга киришдилар.

Бироқ, объектларнинг бири бўлган Олмалиқ шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг эски биноси бўйича инвестиция мажбуриятларини бажаришда қийинчиликлар бўлди. Ер ости сувлари кўтарилиши билан бино чўкди ва уни тўла қайта таъмирлаш зарурати туғилди. Ҳозирги кунда уни реконструкция қилиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Иккинчи босқичда берилган олтита объект бўйича 22,7 миллион сўм инвестициялар киритилди.

Иншоотларни инвестиция киритиш шарти билан бепул олиш ҳаракати тобора кенгайиб боришига ёрдам бераётган омиллар ҳам кўпайиб бормоқда. Ҳукумат бу соҳага қўл уриш ниятида бўлган ва у билан амалда шуғулланаётган тадбиркорларга қатор имтиёзлар яратиб берди. Чунончи, инвесторларнинг пулли қарзларидан воз кечилмоқда, айниқса, корхоналарнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги «иложсиз қарзлари» бекор қилинмоқда, пенялар, жарималар тўлаш каби жазодан озод қилинмоқда.

Бу йил 17 та корхона ва объектларни сармоядорларга инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш режалаштирилган. Шу кунларда уларни олишга тарафдор тадбиркорларнинг рўйхати тузиляпти. Бунинг учун янги танлов савдосини ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Бу оғир иқтисодий аҳволга тушиб, банкрот бўлишга келиб қолган қатор корхоналар ва иншоотларни қайта тиклаш ва ишга туширишга, ишсизларни камайтиришга олиб келиши билан катта аҳамиятга эгадир.

Барча тадбиркорлар қатори объектларни инвестиция киритиш шарти билан ўз ихтиёрига олаётган ва уларда ишлаб чиқариш ёки хизмат турларини йўлга қўйишга ҳаракат қилаётган сармоядорлар ҳам Республикамиз Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги янги Фармонини хурсандчилик билан кутиб олдилар ва якдиллик билан қўллаб-қувватлашмоқда. Ўзларининг осойишта фаолият кўрсатишлари учун янги имкониятлар яратиб берилган бу тарихий ҳужжат мамлакатимизда хусусий тадбиркорликнинг янада ривожланишига хизмат қилишини ва у айнан ишбилармонлар анчадан буён орзиқиб кутган Фармон эканлигини алоҳида таъкидламоқдалар.

**Мирсобир МИРҲАМИДОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# Тендер ғолибига хос суръатда

**2004-2009 йилларга мўлжалланган мактаб таълими умуммиллий дастурига асосан вилоятимизда ҳам жадал суръатда ишлар олиб борилмоқда. Янги таълим муассасалари бунёд этилмоқда, эскилари замон талаблари асосида таъмирланмоқда.**




Бундан бир неча ой муқаддам Бўка ва Пскент туманларидаги бир қатор таълим муассасаларида бошланган қурилиш ва таъмирлаш ишлари якунланди.

Хусусан, 8-, 10-, 17-мактабларда ҳозир ён-атроф тартибга келтирилмоқда. Ушбу объектларда барча қурилиш ва таъмирлаш ишларини кўп тармоқли «Бунёдкор» хусусий қурилиш корхонаси амалга оширди.

— Пскент туманидаги 10-мактабни яқин кунларда топширамиз, — дейди корхона раҳбари Баҳром Ғафуров. — Бу ерда 175 миллион 700 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Аслида, ушбу объектни капитал таъмирлаш учун қабул қилган эдик. Бироқ, мактаб биносини кўздан кечирганимизда, таъмирлагандан янгисини қурган маъқуллигига амин бўлдик. Ширкат хўжалиги еридан янги мактаб биноси учун майдон ажратилди. Айни пайтда ушбу 450 ўринга мўлжалланган таълим муассасасида тозалаш ва тартибга келтириш ишлари бормоқда.

— Бўка туманидаги 17-умумтаълим мактабида ҳам қурилиш ишлари ниҳоясига етказилди. Бу ерда 182 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. 200 ўринли бу мактабни ҳам



шу йилнинг июль ойида топширамиз, — дейди корхона ишчиси Абдуҳошим Рўзиев. — Ўйлаймизки, бу ерда амалга оширилган ишларга ҳеч қандай эътироз бўлмайди. Чунки, асосий эътиборни иш сифатига қаратдик. Дарс жараёнларида ташқаридаги шовқин ўқувчиларга халақит бермаслиги ҳамда бино кўриниши чиройли бўлиши учун алюмин ром ва эшиклардан фойдаландик. Шунингдек, бу ерда янги спорт зали бунёд этилди. Эндиликда қишлоқ болалари ҳам ёруғ ва шинам хоналарда таълим олиб, спорт залида жисмоний машғулотлар ўтказиш имкониятига эга бўладилар.

«Мустақил Ўзбекистон» ширкат хўжалигидаги 8-умумтаълим мактабида ҳам «Бунёдкор» қурувчилари беш ой давомида меҳнат қилдилар. Бу ерда 67 миллион 761 минг сўмлик капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

— Буюртмачиларнинг ишончини оқлаганимиз сабабли мижозларимиз кўпайиб бормоқда, — дейди Баҳром Ғафуров. — Айни кунда ишчиларимиз ўндан ортиқ объектда ишлашмоқда. Улар учун барча шароитларни яратиб берганмиз. Иш ҳақи ўз вақтида ва ишчиларни қониқтирадиган даражада тўланади. Тўрт маҳал иссиқ овқат ва нонушта ташкил этилган. Ишчиларни қурилиш объектига олиб бориб, олиб келиш учун автобуслар ажратилган. Корхонадаги бу каби имкониятлар кўпчиликни қизиқтирмоқда. Ҳозир бу ерда 400 га яқин қурувчи меҳнат қилмоқда.

**Наргиза ИКРОМОВА.**

***СУРАТЛАРДА:*** *«Бунёдкор» хусусий қурилиш корхонаси қурган объектлар.*

*Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз*

# Эл дардида ҳаловатсиз ўғлонларинг бор

***...Юртим, олис йўлга чиққан карвонинг бор,***
***Карвонингга посбон, уйғоқ сарбонинг бор,***
***Эл дардида ҳаловатсиз ўғлонинг бор,***
***Шу инсонга отилган ўқ менга тегсин...***

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг юқоридаги сатрлари ҳар бир киши қалбини жунбушга келтириши табиий. Ушбу сатрларни ўқир эканмиз, шу йилнинг 13 май куни Андижон шаҳрида юз берган фожиали воқеалар дилимизни ўртаб юборади.

Қуролланиб, ваҳшиёна қиёфага кирган террорчилар содир этган хунрезликларни ҳеч қандай сабаб билан оқлаб бўлмайди. Улар ўзларининг бу ҳаракатлари билан заиф ва калтабин эканликларини яна бир карра намойиш этишди. У кимсалар жаннатмакон юртимизнинг бугунги осойишта ва тинч ҳаётига раҳна солмоқчи бўлишди. Аммо улар бу ҳаракатлари билан ҳеч нарсага эриша олмасликларига яна бир карра амин бўлишди. Уларга бу юрт ўз ёшлари учун азиз ва мўътабар эканлигини, шу Ватан ҳар биримиз учун муқаддас эканлигини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз.

Она диёримиз йилдан-йилга ривожланиб, дунё ҳамжамияти орасида муносиб ўрни ҳамда мавқеига эга бўлиб бормоқда. Эртанги кунимиз ворислари ва келажаги бўлган ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар, имкониятлар туфайли Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатимиз янада ортмоқда. Мамлакатимиз Президенти «Ёшлар — бизнинг келажагимиз» дея таъкидлаб, биз ёшларга катта ишонч билдирмоқда. Шу сабабли ҳар биримиз шу азиз Ватанга, Юртбошимизга, меҳнатсевар халқимизга ҳар қандай вазиятда ҳам содиқ бўлмоғимиз лозим.

Муқаддас динимиз ёвуз кучлар учун бир ниқоб холос. Аслида эса, уларнинг дини ҳам, виждони ҳам, миллати ҳам, Ватани ҳам йўқ. Ўзлигини, имонини сотган айрим юртфурушлар кимларнингдир турли манфаатларига, алдовларига учиб, ўз киндик қонлари тўкилган Ватанига, халқига ва миллатдошларига қарата ўқ отишдан ҳам қайтмадилар. Улардан ҳар қандай хиёнаткорлик ва ёвузликни кутса бўлади.

Биз ёшлар Ватанимизни ёвуз ниятли кимсаларга ҳеч қачон бериб қўймаймиз. Улар ҳеч қачон кўзлаган мақсадларига эриша олмайдилар.

Ҳа, барчамиз «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак» деган ақидага амал қилиб, сергакликни, хушёрликни йўқотмасдан бир тан, бир жон бўлсак, ҳеч ким бизни танлаган йўлимиздан қайтара олмайди. Зеро, Ватан битта, Ватан ягонадир.

**Латифжон МАНСУРОВ,**
**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юқоричирчиқ туман кенгаши раиси.**

# ҲАР БИРИМИЗ ЎЗ БУРЧИМИЗНИ БАЖАРСАК...

Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 21-моддасида қонунлар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек, қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолатда эканлигидан келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилиши назарда тутилган. Бироқ, ушбу қонун билан (23-модда) хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятга прокурорнинг бевосита аралашишига, шунингдек, идоравий бошқарув ва текширув органларининг вазифаларини бажаришга йўл қўйилмайди.

Ушбу қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, вилоят прокуратураси органлари томонидан амалдаги қонунларни тарғиб қилиш, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларни ва текширишларнинг олдини олиш борасидаги ишларга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларда текширишлар кескин камайганлиги бунинг далилидир. Лекин олиб борилган назорат тадбирларига қарамай, ҳамон қатор қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги ачинарли, албатта. Тадбиркорликни ривожлантириш борасида вужудга келаётган муаммоларнинг аксарияти жойлардаги ҳокимликлар ва давлат идоралари мансабдор шахсларининг тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашуви билан боғлиқдир. Шунингдек, тижорат банкларининг раҳбарлари томонидан ўз

(Давоми. Боши 1-бетда).

мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, тадбиркорлар манфаатларига зарар етказганлик ҳолатлари ҳам рўй бермоқда.

Баъзи маҳаллий ҳокимлик масъул мансабдор шахслари томонидан фуқароларга ноқонуний равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун қулайликлар яратиб бериш ҳолатларига ҳам йўл қўйилмоқда.

Масалан, Олмалиқ шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдурашид Ҳайдаров ўз манфаатларини кўзлаб, «Алхимик» хусусий фирмаси раҳбарига Низом жамғармаси тўлиқ шакллантирилмаган ҳолда ноқонуний равишда улгуржи савдо қилиш ҳуқуқи билан рухсатнома берган. Шунинг натижасида 28 миллион сўмлик пул маблағини ўзлаштиришга шароит яратилган. Ҳозирда А. Ҳайдаров ва бошқаларга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Ачинарлиси шундаки, янги фармонлар тадбиркорларга бир қанча ҳуқуқлар ва енгилликлар бераётган бўлса-да, айрим нопок тадбиркорлар ўз мажбуриятларини эсдан чиқариб, пул маблағларини банкдан ташқари айлантириб, нақдлаштириш ва бошқа турли суиистеъмолчиликларни содир этишмоқда. «ОДОБ ПРИМЕР ФАЙЗ» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Д. Бўрибеков ўн тўққиз кунда 1,4 миллиард сўмдан ортиқ пул маблағларини банкдан ташқари айлантириб, давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган солиқларни тўлашдан қасддан бош тортган. Бу ҳолат юзасидан ҳозир жиноят иши қўзғатилган.

Ўрни келганда амалдаги қонунларда белгиланган адолат мезонларига риоя этмайдиган, бугунги кунда бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлардан тўғри хулоса чиқармайдиган нопок тадбиркорларга нисбатан, албатта, жазонинг муқаррарлигини уларга тушунтирмоқ зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, барча давлат ва назорат идоралари, бевосита прокуратура органлари ҳалол меҳнат фаолияти орқали даромад олаётган, қонун билан юклатилган мажбуриятларни бажарадиган, давлат, жамият ва ўз манфаатини бир хилда кўрадиган, ижтимоий-иқтисодий адолат мезонларига қатъий риоя этадиган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳимояланишини таъминлайди. Шу кунларда вилоят ҳокимлигида барча туман-шаҳар ҳокимлари, прокурорлар, назорат органлари ва тегишли идоралар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда фармонлар ва қарорларнинг моҳияти яна бир бор таъкидланиб, ижросини таъминлаш билан боғлиқ масалалар мажмуи кўриб чиқилди. Таъкидландики, Президентимиз фармонлари ва қарорининг ижроси учун барча назорат органларининг раҳбарлари масъулдир. Бу борадаги қонунбузилиш ҳолатлари тўғрисида тадбиркорлар 77-65-92 рақамли «Ишонч» телефони орқали вилоят прокуратурасига хабар қилишлари мумкин.

**Қаҳрамон ИБРОҲИМОВ,**
**вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи.**

# Коллежда саломатлик масалалари

**Пскент туман касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган йиғилиш одамлар соғлиғини сақлашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлиш, соғлом турмуш тарзи, энг асосийси, саломатлик учун зарарли ва хатарли бўлган одатлардан воз кечиш каби масалаларга бағишланди.**

Йиғилиш туман ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар бўлими ҳамда соғлиқни сақлаш бўлими ҳамкорлигида ўтказилди.

Унда сўзга чиққанлар ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби иллатларнинг одамлар соғлиғига зарарли таъсири, аксарият жиноятлар шулар оқибатида содир этилишини ҳаётий мисоллар асосида батафсил тушунтириб бердилар.

Коллеж талабалари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ва ёшлар иштирокида ўтказилган ушбу тадбирда Навоий маҳалласи фуқаролар йиғини қошида фаолият кўрсатаётган «Ёш актёрлар» тўгараги қатнашчилари томонидан ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг иллатлари саҳна кўринишлари орқали очиб берилди.

**Башорат САТТОРОВА.**


## ҲУРМАТЛИ АБИТУРИЕНТЛАР!

**Қибрай тумани Тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи 2005-2006 ўқув йили учун ўқувчилар қабул қилинаётганлигини эълон қилади. Коллежга қуйидаги йўналишлар бўйича ўқувчилар қабул қилинмоқда:**

**1. Ҳуқуқшунослик.**
**Касби:** **Ҳуқуқшунос-иқтисодчи.**
**Мутахассислиги:** 1. Хўжалик масалалари ҳуқуқшуноси. 2. Ҳуқуқшунос-бухгалтер. 3. Кадрлар бўйича инспектор. 4. Иш юритувчи.

**2. Молия-кредит.**
**Касби:** **Молия агенти.**
**Мутахассислиги:** 1. Корхоналар бўйича молия агенти. 2. Жисмоний шахслар бўйича молия агенти. 3. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бўйича молия агенти.

**3. Банк иши.**
**Касби:** **Банк операциялари бўйича мутахассис.**
**Мутахассислиги:** 1. Кредит операцияси бўйича мутахассис. 2. Валюта операцияси бўйича мутахассис. 3. Пул воситалари бўйича мутахассис.

**4. Автотранспортни ишлатиш ва таъмирлаш *(«ВС» ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади).***
**Касби:** **Автотранспорт воситаларига техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича уста.**
**Мутахассислиги:** 1. Автотранспорт воситаларига техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича уста. 2. Автотранспорт электр жиҳозларини таъмирлаш бўйича электрик. 3. Автотранспорт воситалари ҳайдовчиси.

**5. Ветеринария.**
**Касби:** **Ветеринар-фельдшер.**
**Мутахассислиги:** 1. Ҳайвонларга ветеринария ишловини бериш бўйича оператор. 2. Дезинфектор. 3. Биохимлаборант.

**6. Солиқ ва солиққа тортиш.**
**Касби:** Солиққа тортиш.
**Мутахассислиги:** 1. Юридик шахсларни солиққа тортиш бўйича инспектор. 2. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўйича инспектор.

**Коллежда барча мутахассисликлар бўйича:**
9-синф ва 11-синф ҳажмида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда;
11-синф ҳажмида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқувчилар қабул қилинади.

**Ўқиш муддати:**
9-синф ҳажмида ўқиш муддати — 3 йил.
11-синф ҳажмида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади.

**Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади.**
1. 9-синф учун тавсиянома. (Психологик ташҳис марказидан)
2. Яшаш жойидан маълумотнома.
3. Фотосурат (6-дона 3х4 ҳажмда)
4. Тиббий маълумотнома (086-У форма)
5. Меҳнат дафтарчасидан кўчирма.
6. Паспорт ва ҳарбий ҳужжат шахсан кўрсатилади.

**Ҳужжатларни қабул қилиш 15 августгача давом этади.**

**Коллеж манзили:** Буюк Ипак йўли метросидан 49б-автобус ва 138-маршрутларнинг «Медиз» бекати. 43-маршрут, 1- ва 17-автобусларнинг «Ҳумоюн» бекатидан «Медиз» бекатигача пиёда юрилади. **Мўлжал:** «Медиз» корхонасининг рўпарасида.

***Келажак учун ўз йўлингни танла, чунки келажак сенинг қўлингда.***

